

## “ВАҚТ” КОНЦЕПТИ ФАОЛЛАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдурахмонов Темурбек Шукуржон ўғли

Қўқон давлат педагогика институти 2 курс магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги вақт тушунчасини қиёсий типологик тадқиқ қилиш, ҳам назарий ҳам амалий жиҳатларини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган. Тил тараққиётининг умумий ва ўзига хос анъаналарини аниқлашнинг назарий асосларини ўрганишга қаратилган. Вақтнинг нутқ вазияти билан алоқадорлиги темпоралликка оид масалаларни ҳал этиш, инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида вақтнинг лисоний концептуаллашувидаги табиат ҳодисалари ва диний қарашлар таъсиридаги фарқлар ҳамда ўхшаш жиҳатлари, шунингдек, генетик жиҳатдан алоқадор бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида вақт тушунчасининг этнолингвистик хусусиятлари ва уларнинг фразеология, этносемантика, когнитив метафораларда ифодаланиш жиҳатлари ўрганилган.*

**Калим сўзлар:** семантик майдон, концепт, фрейм, вақт концепти, темпорал, дуративлик, этносемантика, референция, энантиосемик, паремиология.

### THE THEORETICAL BASIS OF CONCEPTUALIZATION THE CONCEPT OF "TIME"

### ANNOTATION

*This article is devoted to a comparative typological study of the concept of time in the English and Uzbek languages, as well as a comparative analysis of theoretical and practical aspects. It is also focused on the study of the theoretical foundations of identifying common and particular traditions of language development. The connection of time with the state of speech, the solution of temporal problems, differences and similarities in the influence of natural phenomena and religious views on the linguistic conceptualization of time in the English and Uzbek linguistic culture, as well as ethnolinguistic features of the concept of time in nongenetically unrelated English and Uzbek languages, their phraseology, ethnosemantic aspects expressions in metaphors are also analyzed.*

**Key words:** semantic field, concept, frame, concept of time, temporal, durativity, ethnosemantics, reference, enantiosemic, paremiology.

“Вақт муносабатлари” семантик майдонида ифодаланадиган бирикмаларнинг коннотатив таркиби моҳияти мазкур концептнинг умумий ва ўзга хос тавсифини аниқлашга қаратилади ва бу концепт ҳар бир тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар мақол ва афоризмларда намоён бўлади ва улар “вақт” фрейм модели ичида кўрилади. Муайян тил оиласига тегишли бўлган ва бўлмаган тиллар системасидаги турли тил ярусларини чоғиштириб тадқиқ қилиш кейинги юз йилликда кенг тус олганлигининг боиси ҳам шундадир. Умуман, тузилиши жиҳатдан қардош бўлган ва бўлмаган тилларни қиёсий типологик тадқиқ қилиш ҳам назарий ҳам амалий нуқтаи назардан аҳамиятли ҳисобланади. Зеро, бундай тадқиқотлар тил тараққиётининг умумий ва ўзига хос анъаналарини аниқлаш имконини беради. Қиёсий типология бир тилда маълум грамматик шакллар орқали ифодаланган маъно иккинчи бир тилда қандай воситалар асосида ифодаланиши, ушбу чоғиштирилаётган тиллардаги тил бирикмаларининг маъно кўлами жиҳатдан мос келишикелмаслигини аниқлаш учун ҳам ёрдам беради (Гак В., 1989: 13). Албатта, қиёсий текширишда қиёс учун асос қилиб олинган материал ҳам аҳамиятлидир. “Вақт” концепти “тилларда мужассамлашган маданий концептлар (Телия 1999:8-9)” орасида ёрқин ифодага эга эканлиги билан ажралиб туради. Чунки ҳар бир этноснинг, маданиятнинг вақт бирликларини ифодаловчи кўплаб тил бирликлари ва фразеологик бирикмалари мавжуд. Шунингдек, вақтни ифодаловчи тил бирликларининг у тилдан бу тилга ўзлашиши, баъзи бирликларнинг унверсал атамага айланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, йигирма тўрт соат вақтни ифодаладиган “сутка” сўзи ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган. Мазкур тушунчани ифодаладиган соф ўзбекча атама учрамади. Худди шу тушунчани берадиган атама инглиз тилида ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Мазкур тушунча инглиз тилида “twenty-four hours”, “over the entire circadian period”, “day and night” каби бирикмаларда ифодаланади. Ментал борлиқ сифатида индивидуал ва жамоавий соҳага тегишли бўлган концепт маълум турдаги тил проекцияси сифатида тан олинади. Шунинг

учун ҳам вақт концепти маълум турдаги атамалар, тил бирликлари билангина ифодаланиб қолмасдан, балки вақт билан алоқадор тушунчаларни англатадиган фразеологик бирикмалар, паремеологик бирикмалар, шунингдек, у ёки бу маданиятга хос лингвокультурологик хусусиятларга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир тилнинг фразеологик системаси уларни ўраб турган олам тўғрисидаги тасаввурлари тилда ифодаланишини намойиш этувчи лингвомаданий хусусият саналади. Вақт тўғрисидаги замонавий тушунчалар турли-тумандир. Бунга темпорал концептларнинг турли тартибдаги таснифлари асос бўлади. Жумладан, ҳаракат шакллариининг мослигига қараб вақт физик, геологик, механик, астрономик, биологик, ижтимоий тарихий, психологик турларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, вақт объектив (физик) ва субъектив (психологик) турларга ажратилади (Маслова, 2001 : 72). М.Г. Лебедько темпорал концептларни мазмун моҳияти ва лингвомаданий хусусиятларига асосланган ҳолда қуйидагича таснифлайди: вақтнинг параметрик концептлари (кун, тун, лаҳза ва ҳақозо); инсоннинг ёши билан боғлиқ концептлар (чақолоқлик даври, болалик даври, ўспиринлик даври ва ҳақозолар); монетар концепт (вақтпул демакдир); этик нормалар билан боғлиқ концептлар (семеро одного не ждут, летний день год кормит); аксиологик концептлар (бекорчилик билан шуғулланмоқ; фаолият билан боғлиқ концептлар; макон ва замон концептлари (Лебедько, 2002 : 172). «Тил ўзлаштириш жараёнида предмет ва ходисаларни нафақат бевосита идрок этиш мумкин, балки уларни тушунчалар, турли муносабатлар тизимига киритиш имконияти ҳам туғилади. Бу эса ўз навбатида, улар (предмет - ходисалар) ҳақидаги билим миқёсини кенгайтиради» (Яковлева Е., 1984: 326]. Ушбу муаллиф эътирофича, билимнинг сарчашмаси доимо ҳаракатдир, янгидан-янги объектларни идрок этишга йўналтирилаётган билиш ҳаракати амалий концепт шаклланишига туртки бўлади. Ҳар бир миллат, ҳалқнинг, этноснинг ўзига хос паремиологик хусусиятлари мавжуд бўлади. Ушбу паремиологик бирликлар, мақоллар, маталлар ўша халқнинг асрлар давомида тўпланган маданий ва шунингдек тил

бойлигининг бир бўлагини ташкил этади. Вақт сифатий хусусиятдан кўра микдорий хусусиятга эга саналади. Вақт давр, интервал ёки вақт орқалиғи, муддат каби турларга ажратилади. Бу каби вақт орқалиғи қисман ёки тўлалигича бошқаси билан алоқадорликка эга саналади. Аммо, воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз юритганимизда вақт ўлчамни эътиборга оламизми, ёки воқеа-ҳодисаларнинг кечимига урғу берамизми, вақтнинг лисоний ифодасидан фойдаланамиз. Ҳар бир тилда вақт орқалиғини, вақт жараёни кечимини ифодалаш учун қўлланиладиган тил воситалари мавжуд. Вақт лексик нуқтаи назардан ўзгармасдек кўриниши мумкин. Вақт орқалиғи воқеа-ҳодисалар, вазиятлар орасидаги темпорал муносабатларни белгилаш имконини беради. Бадиий кўринишда вақтнинг айланма кўринишида бўлиши, яъни маълум ҳодисаларнинг бир кўринишда такрорланиши (хусусан, фасллар алмашинуви каби) ҳақидаги фикрларни учратишимиз мумкин. Аммо бу каби ҳодисалар вақт даврини ташкил этмайди, балки вақт кечимида содир бўлади ва бу ҳодисалар ўхшаш ҳамда табиий ҳол бўлса-да, вақт жараёнидаги бўлақлар саналади. Албатта, таъкидлаганимиздек, вақт миллий-маданий тушинча сифатида уни ҳис этиш, унга бўлган муносабатлар фарқ қилади. Вақтнинг лисоний ифодаланишида ҳам фарқларни учратишимиз мумкин. Ўзбек тилидаги узоқ сўзи макон белгиси бўлибгина қолмасдан темпорал хусусият ҳам касб этади. Мазкур бирликнинг темпорал хусусиятига эътибор қаратамиз: (ўзбек тили изоҳли луғатида –вақт эътибори билан давомли, катта, кўп-маъноси келтирилади ва узоқ тикилмоқ,узоқ суҳбатлашмоқ каби маънолари келтирилади) узоқ давом этди – узоқ ўтмишда (бадиий адабиётдан мисоллар топиб таҳлил этиш) Темпорал тушинчалар орасида дуративлик кенгрок семантикага эга. Дуративликда вақт орқалиғи қисқа, узун, даврий каби кўринишларда ифодаланиши мумкин. Шунинг учун ҳам, дуративлик вақт ўлчами тушинчаси билан тенглаштириб бўлмайди. Вақтнинг нутқ вазияти билан алоқадорлиги темпоралликка оид масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Мичел ван Ламбалген ва Фритз Хамм мазкур ҳодисани

фарқлашга нисбатан физик ва биологик вақт (physical time, biological time) тушинчаларидан фойдаланади (Lambalgen M., Hamm F., 2005: 69). Физик вақт табиат нуқтаи назаридан баҳоланса, биологик вақт инсон тажрибасига, инсон қарашлари асосида тушиниладиган вақт кечими назарда тутилади. Тил эса мазкур вақт кечимини темпорал муносабатларда кодлайди. Нутқ вазиятига нисбатан олдин содир этилган воқеа/ҳодиса ўтган замон, нутқ вазиятига нисбатан келажакда содир этилиши кутилган воқеа/ҳодиса эса келаси замон сифатида тилда ўз ифодасини топади.

Вақт концепти ҳар бир лингвомаданият учун муҳим саналади, чунки “вақт оламнинг мавжудлиги ва олам тўғрисидаги билимларимиз ҳамда талқинимиз замиридаги асос” саналади (Маслова, 2001:71). Россияда чоп этилган “Философский энциклопедический словарь”да вақт тушунчасига қуйидагича изоҳ берилади: вақт, бу атрибут, мавжудликнинг давомийлиги ва барча материал система ҳамда жараёнларнинг кетма-кетлиги, ўзгариш жараёнидаги материя мавжудлигининг умумий шаклидир. Вақт материал ўзгаришларсиз ўзўзидан юзага келмайди ва шунингдек, давомийлик ҳамда ўзгаришларга учрамайдиган материал система ва жараёнларнинг ўзи йўқ (ФЭС, 1989:101). Вақт концепти ҳар бир тилда ўзига хос метафорик иборалар билан ҳам фаоллашади. Бу эса, вақтнинг лисоний ифодаланишида интеллектуал жозибаси мавжудлигини кўрсатади. Маълумки шунинг учун ҳам, вақт тушунчаси унверсал ҳодиса сифатида тан олинса-да, аммо турли лингвомаданиятларда турлича ифодаланишга эгаллиги билан бошқа лингвомаданий концептлардан фарқ қилади. Вақтнинг концептуаллашуви инглиз маданиятида экспериментал ҳодиса сифатида қаралади. Бу жараён оламдаги объектлар ҳаракатининг кечимига боғлиқ тарзда ўрганилади. Ўзбек лингвомаданиятида вақтнинг лисоний концептуаллашуви табиат ҳодисалари ва диний қарашлар таъсирида шаклланган деган фаразни илгари суриш мумкин. Бунга қуйидаги мисоллар исбот бўлиши мумкин: қиш чилласи, саратон палласи, рамозон ойи, асад экинингни ясат (август ойининг иккинчи ярми),

жовзада жавраб ўлган ҳуккизим (апрел ойи, ёғингарчилик мавсуми), аёз мажуз олти кун қаҳри келса қаттиқ кун (феврал ойининг охири, март ойининг боши) (Халқ оғзаки ижоди, М.Ж. Пўлкан). Вақт тушунчасининг тилларда фарқланиши бевосита ғарб ва шарқ халқларининг табиат ҳодисаларини тадқиқ этиш натижасида ушбу халқлар онгида шаклланган ҳодисадир. Шунингдек, генетик жиҳатдан алоқадор бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида вақт тушунчасининг этнолингвистик хусусиятлари ва уларнинг фразеология, этносемантика, когнитив метафораларда ифодаланиш жиҳатларини аниқлаш ҳам муҳимдир. Мисол учун инглизларда ВАҚТ тушунчаси ПУЛ (MONEY) доменида ўз ифодасини топади. Уларнинг тушунчасида вақтни бекор кетказиш “пулни беҳуда сарфлаш” билан тенг ва аксинча, вақтдан унумли фойдаланиш “пулни тежаш” тушунчаси билан боғлиқ. Кўринадикки, инглиз маданиятида иккита алоҳида “вақт”, “пул” доменлари когнитив хариталаш орқали умумий бир доменга бирлашиши натижасида инглиз тилида ўзига хос метафоралар шаклланган деган фикр ётади. Маълум бир этноснинг лисоний шаклланганлиги, фикрлаши, мулоҳаза юритиши, турмуш тарзининг яқинлиги ёки бир хилда эканлиги ўша тилда шаклланган ва мавжуд когнитив метафораларни асосини ташкил этади. Когнитив метафораларни шакллиниши эса, бевосита этносемантика билан узвий алоқага эга. Дарҳақиқат, энантиосемияни айна ракурсада тадқиқ этиш орқали унинг лингвокогнитив, лингвокультуролик, этнолингвистик, социоллингвистик каби омиллар билан боғлиқ жиҳатлари аён бўлади. Зотан, “лисоний бирликнинг моҳияти баҳоланар экан, бу бирлик мансуб бўлган тил эгасининг этномаданий ва ижтимоий хусусиятларини назардан соқит қилмаслик зарур. Энантиосемиянинг юзага келиши маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг лингвомаданияти билан ҳам боғлиқ. Бунда муайян тил бирлиги бирор ҳудуд кишиларининг асрлар давомида шаклланган этик-эстетик қарашлари, урф-одатлари натижасида, бир сўз билан айтганда, шу одамлардаги оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ ҳолда, адабий тилдагидан фарқли бўлган маънони ифодаладиган бўлиб қолади. Бу ўз

навбатида вақт тушунчасининг ижобийёки салбий хусусиятларни баҳоловчи лексик бирликларнинг фразеологик бирикмаларга кўчиши, паремиологиянинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлади. Шунга ўхшаш паремиологиялар ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан: Вақтинг кетди, тахтинг кетди. Бироқ кузатишлар шуни кўрсатдики, энантиосемия тилнинг ҳозирги даври учун ҳам хос ҳодиса бўлиб, кўплаб тилларда бу каби сўзлар мавжуд. Энантиосемик сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида, сўзлашув нутқи ҳамда шеваларда мавжудлиги ҳам мазкур ҳодисанинг қадим сўзлар семантикасининг қолдиғи эмаслигини кўрсатади. Баъзи тадқиқотчилар тилнинг табиий тараққиёт қонуни асосида юзага келадиган мазкур ҳодисанинг моҳиятини тўғри баҳоламай, уни тил учун кераксиз, зарарли – ахборот алмашинувига халал берадиган ҳодиса, деб ҳисоблайдилар. У тил тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида нутқда тежамкорликка, киши тил хотираси фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади. Тилнинг тараққий этиши билан янгича шаклларда намоён бўлаверади. Одатда, лексик сатҳ ҳодисаларининг моҳиятини очишда мазкур ҳодисаларнинг икки жиҳати назарда тутилади, яъни шакл ва маъно муносабатидан келиб чиқиб баҳо берилади. Хуллас, энантиосемия лексикологиянинг етарлича мураккаблик ва ўзига хосликка эга бўлган ҳодисасидир. Уни тадқиқ этиш билан тилшуносликдаги муҳим назарий масалалар: шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабати, зиддият категорияси яна бир типининг лисоний механизми, намоён бўлиш йўллари каби масалаларга аниқлик киритилади. Дунёнинг лисоний манзараси кишида у яшаётган жамият ва унинг қонун-қоидалари, миллий менталитет, унга хос турли этик-эстетик талаблар, қарашлар ва бошқа омиллар асосида шаклланади. Демак, тил кишининг борлиқни бир бутун, яхлит идрок этиш воситаси бўлиб, унинг яшаш тарзи ўзидагина кечмай, балки инсон ва у ҳаёт кечирадиган жамият урфодатлари, қонун-қоидалари, муайян халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёт тарзи билан биргаликда кечади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гак В.Г. О контрастивной лингвистике // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 25: Контрастивная лингвистика. М., 1989. С.5–17.
2. Философский энциклопедический словарь 1989: 101
3. Телия В. Н. Основные постулаты лингвокультурологии // Филология и культура: Материалы 2-й Междунар. конф. Ч. 3. Тамбов, 1999. С. 14–15.
4. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. докт. дисс. Т. 2000. 8-бет
5. Маслова В.А. Лингвокультурология / В.А. Маслова : Учеб.пособие для студ. высш. учеб. зав.-М.: Издательский центр «Академия», 2001. - 208 с
6. Лебедько М.Г. Время как когнитивная доминанта культуры. Сопоставление американской и русской темпоральных концептосфер / - Владивосток :Изд-во Дальневост. ун-та, 2002. - 240 с.],
7. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира (модели пространства, времени, восприятия) / Е.С. Яковлева. - М. :Гнозис,1994. - 344 с.
8. Gosselin, Laurent. 1996. Sémantique de la temporalité en français. Un modèle calculatoire et cognitif du temps et de l'aspect. Louvain-la-Neuve: Duculot.
9. Klein, Wolfgang. 1994. Time in language. London&New York: Routledge.
10. Lambalgen M., Hamm F. The proper treatment of events. Blackwell Publishing Ltd., 2005. – 261p.
11. Lambalgen M., Hamm F. The proper treatment of events. Blackwell Publishing Ltd., 2005. – 261p.
12. Rustamov, I. Сўз яшаш сатҳидаги лисоний ўйин. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(96). 2020, извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/7671](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7671)
13. Smith, C. 1997(=1991). The Parameter of Aspect. (Dordrecht, Boston, London)